30 ДЕК 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 131 (20. 998) 1991 йил 10 июль, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

Бир фикрга келинди

8 июль куни Ново-Огаревода СССР Президенти М. С. Горбачев билан тўққиз республика раҳбарларининг учрашуви бўлди. СССР Президентининг дунёдаги етти етакчи мамлакат раҳбарлари билан учрашиш учун Лондонга қиладиган сафари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шу масала юзасидан М. С. Горбачев муфассал ахборот берди. У СССРнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига узвий равишда кириши, у билан кенг миқёсда ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик қилиши қоидаларини баён этиб берди.

Шундан кейин бўлган мунозарада РСФСР Президенти Б. Н. Ельцин, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Украина ССР Бош вазири В. П. Фокин, Белоруссия ССР Олий Кенгашининг Раиси Н. И. Дементей, Қирғизистон Республикасининг Президенти А. А. Акаев, Тожикистон ССР Президенти Қ. М. Маҳкамов, Қозоғистон ССР Бош вазири У. К. Караманов, Озарбайжон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Э. М. Кафарова, Туркманистон ССР Бош вазири Х. А. Аҳмедов, СССР Бош вазири В. С. Павлов қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар СССР Президентининг Лондонда муҳокама этиладиган муаммолар хусусида таклиф этган ёндашувларини маъқулладилар.

Амалий-ўртоқлик руҳида ўтган кенгаш натижасида мазкур масала юзасидан бир фикрга келинди.

Кенгаш тўғрисидаги батафсилроқ ахборот эълон қилинади.

(ТАСС).



ДЕҲҚОНЧИЛИК - САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Андижон яқинидаги «Известия» давлат хўжалигида вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг кенгаши бўлди. Унда хўжаликлар, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари, партия ходимлари қатнашдилар. Вилоят қишлоқ хўжалик ходимларининг, тайёрлов ва қайта ишловчи корхоналарининг ғўзани парваришлаш ва ҳосил тўплаш, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш борасидаги вазифалари тўғрисида муфассал ҳамда қизиқарли суҳбат бўлди.

Кенгаш қатнашчилари вилоят қишлоқ меҳнаткашларига мурожаат қабул қилдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Ҳ. Ҳолмирзаев нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ЧИГИРТКА ЧЕКИНДИ

Бу йил Марско чигирткасига қарши курашда Ғузор районидаги «Пачкамар», «Рассвет» давлат хўжаликлари деҳқонлари ва чорвадорлари жонбозлик кўрсатдилар. Чигиртка, айниқса, Қашқадарё вилоятининг Туркманистон ССР билан чегарадош Деҳқонобод, Нишон районлари хўжаликларига катта хавф туғдирди. Энтомологагрономлар билан бирга маҳаллий аҳоли ҳам қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши аёвсиз кураш олиб бордилар. Иккита самолёт, 43 та ерусти, 150 та қўл аппарати ишга солинди. Бу ишда чигиртқага қарши кураш вилоят экспедицияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ходимлари бош-қош бўлдилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЖТИМОИЙ ДАСТУРЛАРГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат комиссияси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, транспорт ва алоқа мажмуи ҳамда жумҳурият Халқ назорати комитетининг 9 июль куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида телефон алоқаси хизматини жадал ривожлантириш ва жумҳурият қишлоқ аҳолисига ана шундай хизмат кўрсатишни яхшилашга доир тадбирлар мажмуи кўриб чиқилди. Мажлис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. Абдувосиқов раислигида ўтди.

Ўзбекистон Компартияси билан жумҳурият ҳукуматининг Ҳаракат дастурида қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш масалалари диққат марказида турганлиги таъкидланди. Сув таъминоти, газлаштириш сингари телефонлаштириш ҳам устивор йўналишга эга бўлди. 1991—1995 йилларда қишлоқда 250 мингта телефон аппарати ўрнатиш режалаштирилмоқда. Бу эса аҳолига алоқа воситалари ёрдамида кўрсатилаётган хизмат ҳажмини икки баравар кўпайтириш имконини беради. Фақат ўтган йилнинг ўзида шаҳарлараро тармоқларга автомат равишда чиқиш имкони бўлмаган қишлоқ телефон станцияларининг сони 62 та камайди. Жумҳурият «Радиоэлектронтехприбор» концерни ҳам бу муҳим ишга фаол киришди. Ў Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги билан ҳамжиҳатликда эҳтиёт қисмлар ва ускуналар ишлаб чиқара бошлади.

Айни вақтда, телефонлаштириш соҳасида қишлоқда рўй берган жиддий ўзгаришларга қарамай, кўпгина муаммолар ҳал қилинмай қолди. Мажлисда асосан ана шу муаммолар ҳақида гап борди. Жумладан, бир қанча манфаатдор вазирликлар ва идоралар мазкур дастурни рўёбга чиқариш учун маблағ ажратмаганликлари қайд қилинди. Бугунги кунгача янги телефон станциялари қурилиши иншоотлари бўйича атиги 27 миллион сўмлик шартномалар тузилган, уларга эса бор-йўғи 5,8 миллион сўм пул ажратиш ҳақида ҳисоб очилган.

Жумҳурият Алоқа вазирлигининг «Узбексвязьстрой» жумҳурият ишлаб чиқариш-қурилиш-монтаж бирлашмаси янги автомат телефон станцияларини ишга тушириш муддатларини барбод қилмоқда. Маблағ, материаллар ва ускуналар манбалари йўқлиги сабабли қурилиш-монтаж ишлари ҳажми камайиб кетмоқда. Ҳозир вилоят алоқа бошқармалари жойларда моддий ресурсларнинг тармоқ жамғармаларини бунёд этиш юзасидан иш олиб бормоқда. Бироқ Бухоро, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ана шу ҳисобга пул тушгани йўқ. Мазкур иш учун жавобгар бўлган кишилар ташкилий ишларни сust олиб борганликлари, улар ижтимоий дастурни тезда рўёбга чиқариш зарурлигини тушунмаганликлари таъсир қилди.

Мажлисда республикамизда оилаларни телефон аппаратлари билан таъминлаш Иттифоқимиздаги ўртача кўрсаткичдан анча орқада қолаётганлиги уқтирилди. Ҳозиргача 1600 тадан кўпроқ аҳоли кам яшайдиган манзилгоҳлар, 13 мингтадан кўпроқ савдо ва тиббиёт муассасалари мактаблар, болалар боғчалари, маиший ва маданий йўналишдаги корхоналар телефонлаштирилмаган. Буларнинг ҳаммаси ана шу ғоят муҳим ижтимоий вазифани ҳал этишга сифат жиҳатдан янгича ёндашувларни талаб этади. Мажлис қатнашчилари ушбу дастурни жадал рўёбга чиқаришга доир аниқ ҳаракат дастурини белгиладилар, уни босқичма-босқич бажаришнинг аниқ муддатларини ишлаб чиқдилар. Қўшма мажлисда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жумҳурият дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Жумҳурият иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги шароитида, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини бозор муносабатларига ўтказиш даврида мактабдан бошлабоқ кадрлар тайёрлашга бўлган талаблар тубдан ўзгаради. Юзага келган аҳвол жумҳуриятимизда аҳоли касб-кор йўналишини ҳисобга олиб, кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг давлат дастури тузилишини тақозо этмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон рўзғор химияси ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси истеъмолчилар манфаатларини кўзлаб, яқин вақтгача тақчил моллар қаторига кириб қолган «Бион» кир ювиш кукуни нархини арзонлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Эндиликда кир ювиш кукунининг бир қутичасч нархи 20 фоизлик савдо устамасини ҳам ҳисобга олганда 1 сўм 47 тийиндан ошмаслиги керак. Ишлаб чиқариш ходимлари мустаҳкам заминга эга бўлганликлари сабабли шундай қарорга келдилар. Бирлашма ходимлари тақчиллик ва дўконлар пештахталари бўшаб қолган шароитда нархни арзонлаштириш йўли билан одамларга ёрдам беришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Термиз районидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалигининг жами пахтазорлари, яъни 1600 гектар майдон ижарачиларга бўлиб берилди. Ҳозир барча майдонларда ўсимликка учинчи комплекс ишлов берилмоқда. Ижарачи Рашид Бердиев бу йил 16 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Тўрт киши бўлиб мўл ҳосил етиштиришяпти. Ўтган йили улар 47 тонна, режадагидан 10 тонна кўпроқ пахта етиштириб, қўшимча равишда беш минг сўм иш ҳақи олишганди. Бу йил уларнинг мўлжали янада улкан.

Суратда: ижарачи Рашид Бердиев. И. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ) олган сурат

● *Қўлни беринг дунёдаги шериклар*

УМИДБАХШ НИШОНАЛАР

Одатда янги дарахт меваси дастлабки нишонасига қараб баҳолайдилар. Агар нишона умидли бўлса, дарахтга ҳам парвариш кучаяди. Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви шарофати туфайли иқтисодиётимиз уфқида пайдо бўлаётган илк қўшма корхоналар, чет эл фирмалари билан тузилган янги битимлар ана шундай умидбахш нишоналардир. Ишбилармонлар учрашувида қатнашиш жараёнида фойдали ишлар қилишга интилдик.

Чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилиш борасида озми-кўпми тажрибамиз бор. Ўтган йили комбинатимиз Италияга анчагина тери сотган эди. Аммо икки тарафнинг савдоси ўртасида марказ вакиллари тургани учун келган фойданинг мўмай қисми ҳам ўша ерда қолди. Қаранг, 40 минг доллар даромаднинг 40 фоизга яқини Москвадаги турли идоралар ўртасида хомталаш бўлди. Қолган валютага Финляндия, Япониядан корхонамиз учун зарур бўлган замонавий дастгоҳ ва ускуналар сотиб олдик. Улар ишчиларнинг оғир жисмоний меҳнатини енгиллаштириш, маҳсулот сифатини кескин оширишда қўл келади.

Германиянинг Гамбург шаҳрида бир қанча корхоналар эгаси — ишбилармон Александр Бухаммер билан учрашгандик. Бўлиб ўтган музокаралар натижасида жумҳурият «Агропромсервис» идораси билан жаноб Бухаммер ўртасида қўшма «Баматра» фирмаси тузишга қарор қилинди. Бу фирма Ўзбекистон маҳсулотларини жаҳон бозорида қўлай баҳоларда сотиш, жумҳурият учун эса керакли нарсаларни келтириш билан шуғулланади.

Тошкент учрашувига А. Бухаммер ҳам ташриф буюрди. У киши билан яна учрашдик. «Баматра» фирмасини янада мустаҳкамлаш юзасидан келишиб олдик. Банкда янги фирманинг ҳисоби очилган. Унга А. Бухаммер ажнабий валюта ҳисобида 360 минг сўм қўйди. Тез орада фирманинг амалий ишлари бошланиб кетади. Бунда Фарғона водийси саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳамкорликка ҳам катта ўрин берилади.

Агар шундай битимларни тўлиқ амалга ошириш учун ҳеч қандай монелик бўлмаса, иқтисодиётимиз тез ривожланиб кетишига ишончим комил. Афсуски, турли идоралар нинг кўплиги, бюрократик тўсиқлар, қоғозбозлик асосий тўғаноқ бўлиб турибди. Якка корхоналарнинг чет эл бозорига чиқиши — мустақил иш кўриш учун интилишига сонсаноқсиз идоралар олдида ҳисоб бериб туриши ҳалақит берянти. Корхоналарнинг ўзлари ташқи бозорга чиқа олмай — ўртада турли даллол ташкилотлар кўпаяверса ташаббуснинг қаноти синиб қолади. Бу эса охир-оқибатда иқтисодиётимизга ўнгланмас зарба бериши табиий.

Тошкент учрашувида ана шу тўсиқларни олиб ташлашга даъват этилганлиги айниқса муҳим бўлди.

Адҳамжон АБДУЛЛАЕВ,
Қўқон гўшт комбинатининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими.

Сайёрамиз нафаси

● ЛОНДОНДАГИ УЧРАШУВ АРАФАСИДА

● ҚОЧОҚЛАР МУАММОСИ ФОЖИАГА АЙЛАНМАСИН

● ЗИЁН ВА ХАРАЖАТ МИҚЁСИ

ЯНА ТУҚНАШУВ

● БЕЛГРАД. Хорватиялик серб қочоқлари муаммоси кейинги вақтларда мисли кўрилмаган фожиага айланиб кетмоқда. Шу йилнинг май ойидан бошлаб Дунайбўйи Хорватиясидаги Вуковара ва Борово районларининг серблар яшайдиган қишлоқларидан Сербия ҳудудига аёллар ва болалар кела бошладилар. Бу ерда миллатлараро негизда тўқнашувлар бошланди.

Ҳозирги кунгача Воеводина серб мухтор ўлкасининг манзилгоҳларида хорват жангариларининг ҳужумларидан ва полициянинг бедодликларидан чўчиб, ўз уйларини тарк этган 8 мингдан кўпроқ қочоқ рўйхатга олинди. Кейинги икки кунинг ўзида серб қишлоқларида миномётлар ишга солиниб, тез-тез отишмалар бўлиб турганлиги сабабли, Дунайнинг серблар яшайдиган соҳилига 3 мингдан кўпроқ киши ўтиб олди. Маҳаллий маъмурлар кулфатда қолган қардошларига бошпана ва озиқ-овқат бериш учун бутун кучни ишга солмоқда.

ФАЛОКАТ МИНТАҚАСИ

НЬЮ-ЙОРК. «Форс кўрфази атрофида кўп миллатли кучларнинг ҳарбий ғалабаси экология соҳасидаги маглубиятга айланди», — АҚШдаги энг мўътабар жамоат ташкилотларидан бири — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан шуғулланадиган «Уорлдуотч» ташкилотининг маълумотномасига шундай сарлавҳа қўйилган.

«Қувайт озод қилинди, — деб таъкидланади маълумотномада, — бироқ жанговар ҳаракатлар райони экология фалокати минтақасига айланди. Ёниб турган минглаб нефть қудуқлари атмосферани даҳшатли равишда булғатмоқда; Форс кўрфази сувидаги жуда катта нефть доғи бутун жонли табиатга қирон келтирмоқда; Ироқнинг кўпдан-кўп химия ва ядро корхоналарига ташланган бомбалари минтақанинг заҳарли моддалар билан зарарланишига олиб келди; кўпдан-кўп бинолар ва муассасалар вайрон қилиниши оқибатида регион аҳолиси орасида юқумли касалликлар ва очарчилик бошланди».

Тахминларга қараганда, дейилади «Уорлдуотч» ташкилотининг ҳужжатида, Қувайт атрофидаги муҳитга шу қадар катта зиён етказилганки, бу зиённи тугатиш учун қилинадиган харажатлар моддий нобудгарчиликни қоплаш чиқимларидан анча кўпроқ бўлади. Ироққа қарши жанговар ҳаракатларда қатнашган йигирматадан кўпроқ мамлакат ўз қўшинларини жанговар анжомлар билан таъминлашга неча-неча миллион доллар сарфлади. Бироқ, иш Форс кўрфазининг соҳил яқинидаги сувларини баҳайбат нефть доғидан тозалашга келганда мана шу жуда бой мамлакатларнинг пули етишмай қолди. Қувайт маъмурларининг маълумотларига кўра, деб таъкидлайди «Уорлдуотч» ташкилоти, ҳар куни нефть ёнғинлари натижасида 6 миллион баррел хом нефть ёниб кетмоқда.

БИТИМ ТУЗИЛДИ

● ВАШИНГТОН. Пентагон Корея Республикаси билан кўп миллиардли ҳарбий битим тузганлиги ҳақида АҚШ конгрессини хабардор қилди.

Битимда Америка лицензиясига мувофиқ 72 та «Ф—16» зарбдор самолёти ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Бу самолётлар жанговар ҳаракатлар давомида душман самолётларини ушлаб қоладиган қирувчи ва бомбардимончи-қирувчи самолётлар тарзида ишлатилиши мумкин. Битимга биноан иккала мамлакатнинг ҳарбий маҳкамалари ўртасидаги шартномани амалга ошириш қиймати жами 3,81 миллиард долларга тушади, деб чамаланмоқда. Бу иш уч босқичда бажарилади. Аввалига Сеул АҚШдан 12 та «Ф—16» қирувчи самолётини харид қилади, яна 36 та самолёт Жанубий Кореяда Америкадан келтирилган деталлардан йиғилади ва, ниҳоят, Жанубий Корея ҳарбий фирмаларининг ўзи лицензияларга мувофиқ ва АҚШ ҳарбий-саноат мажмуи корпорацияларининг техникавий ёрдами билан қўшимча равишда 72 та машина ишлаб чиқарадилар. АҚШ Мудофаа вазирлигининг конгрессга йўллаган расмий маълумотномасида таъкидланишича, бу битим «Дўст мамлакатнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш воситаси билан Қўшма Штатларнинг миллий хавфсизлигини кучайтиришга ҳисса» бўлиб хизмат қилади.

ПРОКСМАЙЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● НЬЮ-ЙОРК. Халқчил ислоҳотлар ва бозор иқтисодиётн йўлидан бораётган Совет Иттифоқига ғарбнинг ривожланган саноат мамлакатлари самарали иқтисодий ёрдам бериш лари керак.

Дунёдаги етти етакчи мамлакат раҳбарларининг Лондонда СССР Президенти М. С. Горбачев иштирокида ўтказиладиган учрашуви арафасида Американинг сенат банк комитетининг бошлиғи Уильям Проксмайер «Нью-Йорк пост» газетаси саҳифасидан мана шундай даъват билан мурожаат этди. «Совет Иттифоқининг демократияга ва эркин бозорга ўтиши, — деб таъкидлайди у, — мамлакатларимиз ўртасида «совуқ уруш» бошланишига асло йўл қўймайди», АҚШ ҳозирги қуролсизланиш даврида иккала мамлакатнинг қуролли кучлари ва қурол-яроғлари анча миқдорда қисқариши натижасида бўшаб қоладиган маблағлардан СССРга қарз бериш лозим, деб ёзади У. Проксмайер.

(ТАСС, 9 июль).

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Тўғрисини айтиш керак: Ўзбекистоннинг чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиши кейинги пайтда бирмунча кенгайиб бормоқда. Зеро, биздаги салмоқли ишлаб чиқариш, хом ашё ва меҳнат ресурслари хорижлик ишбилармонларни ўзига оҳанрабодек тортяпти. Шу боис ҳам кўпгина чет эл фирмалари вакиллари, тадбиркор кишилар ҳамкорлик қилиш таклифлари билан жумҳуриятимизга тез-тез ташриф буюришмоқда.

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатига Франциянинг «Поликотон» фирмаси вакиллари келишди. Улар корхона мутахассислари билан биргаликда фойдали ҳамкорлик қилиш йўлидаги илк имкониятларни ўрганиб чиқдилар. Қисқа муддатларда дастлабки шартнома тузилди. Уни Франциянинг «Поликотон» фирмаси, Совет — Австрия «Интермикро» қўшма корхонаси вакиллари ҳамда тўқимачилик комбинати раҳбарлари имзолашди.

Шартномага кўра, комбинат ҳар иккала фирмага қайта ишлашга муҳтож ишлаб чиқариш чиқиндиларини етказиб бериш мажбуриятини олди. «Поликотон» фирмасига 70 тонна йигирув чиқиндилари жўнатилди. Эндиликда бу чиқиндиларнинг ҳар бир тоннаси учун фирма корхонага валюта ҳисобида 750 доллардан тўламоқда. Яқиндан бошлаб айнан шу фирмага ип тайёрлагандан сўнг қоладиган таранди чиқиндиларини сотиш йўлга қўйилди. Ҳозиргача шундай чиқиндининг 500 тоннаси Францияга юборилди.

Шуниси қувончлики, бундай ҳамкорлик шартномалари бошқа чет эл фирмалари билан ҳам тузиляпти. Кўни кеча комбинат бош директори Б. Эргашев Японияда битим имзолаб қайтди. Яқин вақт ичида Японияннинг «Чорн» фирмаси билан тошкентлик тўқимачилар қўшма корхона ташкил этадиган бўлишди. У ишга тушса, жумҳурият аҳолисини сифатли истеъмол буюмлари билан таъминлаш имконияти кенгаяди.

Комбинат Иттифоқдаги турли корхоналар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Тўқимачилар йилига 500 жойга шартнома асосида маҳсулот етказиб беришади. Ушбу маҳсулотларнинг 70 фоизи қардош жумҳуриятларга жўнатилмоқда. Ҳамкор корхоналардан ўз навбатида комбинатга кимёвий ишқорлар, бўёқлар, дастгоҳлар учун эҳтиёт қисмлар, сунъий тола келтириляпти.

Мутахассислар ишбилармонларнинг Тошкент учрашувидан анча сабоқ олишди. Бир неча чет эл фирмалари вакиллари бу ерга келиб, корхона имкониятлари билан танишишди. Иқтисодий алоқалар кенгайса, корхона аҳлининг тайёр маҳсулот билан четга чиқиши осонлашади. Бу эса жумҳуриятимизнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Б. ОРИПОВ,
Тошкент шаҳри.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

• Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

Ўзбекистон ССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Республика қонунларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

I. 1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, № 6, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 141^2 ва 147^2-моддалар билан тўлдирилсин:

«141^2-модда. **Ўзбекистон ССР Давлат тилига ёки СССР халқларининг бошқа тилларига душманликни ёки менсимай муносабатда бўлишни тарғиб қилиш**

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тилига ёки СССР халқларининг бошқа тилларига нисбатан душманликни ва менсимасликни тарғиб қилиш, шунингдек, гражданларнинг тилни танлаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини бузганлик, агар бундай хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилса, —

бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки уч юз сўмдан беш юз сўмгача жарима солиш билан жазоланади.

Илгари шундай ҳаракатлар учун ҳукм қилинган шахс томонидан, ёки бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктириши йўли билан ёхуд техника воситаларидан, матбаа маҳсулотлари ва оммавий ахборот воситаларидан, фойдаланган ҳолда Ўзбекистон ССР Давлат тилига ёки СССР халқларининг бошқа тилларига нисбатан душманликни ва менсимасликни тарғиб қилиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этиш, ё бўлмаса беш юз сўмдан минг сўмгача жарима солиш билан жазоланади».

«147^2-модда. **Динга нисбатан муросасизлик**

Динга нисбатан муросасизлик, яъни жамоат тартибини бузиш, ибодатхоналарни ғайриқонуний равишда эгаллаб олиш билан боғлиқ ҳолда диний эътиқодга нисбатан душманларча муносабатда бўлишда ўз ифодасини топган хатти-ҳаракатларни қасддан содир этганлик, ҳудди шунингдек динга нисбатан муросасизликни тарғиб ва ташвиқ қилганлик, —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиш ёхуд уч минг сўмгача жарима солиш билан жазоланади. Динга нисбатан муросасизлик, зўрлик ишлатиш, қирғин солиш бу хатти-ҳаракатларга вояга етмаганларни жалб этиш билан боғлиқ бўлса, ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келса —

уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

2. 7^1-модданинг иккинчи қисми «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда талончилик қилиш (115-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари; 126-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари)» деган сўзлардан кейин «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда давлат, кооператив ёки жамоат мулкига нисбатан тамагирлик қилганлик (115^1-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари)» деган сўзлар билан: «давлат ёки жамоат мулкини ёхуд гражданларнинг шахсий мулкини айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (122-модданинг иккинчи қисми; 133-модданинг иккинчи қисми)» деган сўзларидан кейин «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда ўғирлик қилганлик (125-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари); айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда гражданларнинг шахсий мулкига нисбатан тамагирлик (128-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари)» деган сўзлар билан: «давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда талон-торож қилганлик (119^1-модда)» деган сўзлардан кейин «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қилинган ўғирлик (125-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари); айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда гражданларнинг шахсий мулкига нисбатан тамагирлик (128-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари)» деган сўзлар билан; «алоҳида ашаддий хулиганлик (204-модданинг учинчи қисми)» деган сўзлардан кейин «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда транспорт воситаларини олиб қочганлик (209^2-модданинг учинчи қисми)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 23^1-моддада:

биринчи қисмининг биринчи банди «гаров тариқасида ушлаш (110^1-модда)» деган сўзлардан кейин «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда давлат, кооператив ёки жамоат мулкига нисбатан тамагирлик қилганлик (115^1-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари)» деган сўзлар билан: «давлат ёки жамоат мулкини ёхуд гражданларнинг шахсий мулкини айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (122-модданинг иккинчи қисми; 133-модданинг иккинчи қисми)» деган сўзларидан кейин «айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда ўғирлик қилганлик (125-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари); айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда гражданларнинг шахсий мулкига нисбатан тамагирлик (128-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

II. 1985 йил 13 декабрдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССРнинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 35, 411-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин.

1. Кодекс қуйидаги мазмунли 42^1, 42^2, 157^1, 187^5, 205^1, моддалар билан тўлдирилсин:

42^1-модда. **Гражданларнинг тил танлаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини бузиш.**

Гражданларнинг тарбиялаш ва таълим беришда эркин тил танлашдан иборат конституциявий ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш —

гражданларга эллик сўмгача ва мансабдор шахсларга юз сўмгача жарима солишга ёки икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилишга сабаб бўлади.

«42^2-модда. **Мансабдор шахснинг тилни билмасликни асос қилиб, гражданларнинг аризалари, шикоятлари ва таклифларини қабул қилиш ва қараб чиқишдан бош тортиши**

Мансабдор шахснинг Ўзбекистон ССР Давлат тилини ёки СССР халқларининг бошқа тилларини билмасликни асос қилиб гражданларнинг аризалари, шикоятлари ёки таклифларини қабул қилиш ва қараб чиқишдан бош тортиши, —

юз сўмгача жарима солишга сабаб бўлади».

«157^1-модда. **Кўрсатиладиган алоқа хизмати сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини бузганлик**

Кўрсатиладиган алоқа хизмати сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини, умумдавлат алоқа тармоғи билан боғланадиган симли электр алоқаси воситаларининг, радио электрон воситалари радионурланишлари ва республика ҳудудида фойдаланиладиган юқори частотали қурилмаларнинг параметрларини бузганлик, —

Мансабдор шахсларга юз сўмдан икки юз сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

«187^5-модда. **Мансабдор шахсларнинг депутатлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслиги ва депутатлик фаолияти кафолатларини бузиши**

Давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларнинг депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармаслиги, унинг ишига тўсқинлик қилиши, унга атайлаб сохта маълумот бериши, депутатлик фаолияти кафолатларини бузиши, —

икки юз сўмдан беш юз сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо чоралари қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шундай хатти-ҳаракатларни такроран содир этганлик, —

беш юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

«205^1-модда. **Давлат идоралари ёки бошқа идоранинг ишга жойлаштириш тўғрисидаги фармойишини бажармаслик**

Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқидан фойдаланувчи мансабдор шахс томонидан бўш иш жойлари мавжуд бўла туриб, ишга жойлаштириладиган шахсларни иш билан таъминлаш вазифаси қонунларга мувофиқ зиммаларига юклатилган идоралар — халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия қўмитасининг ёки вояга етмаганлар ишлари комиссиясининг фармойишини ёхуд бошқа идоранинг қарорини бажармаслик, —

юз сўмдан уч юз сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

2. 42^1 ва 42^2-моддаларда кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир протоколлар халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарининг тегишли ваколати бўлган мансабдор шахслари, жамоат ташкилоти ёки ижтимоий ташаббускор идора вакиллари томонидан, 187^5 ва 205^1-моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир протоколлар эса халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарининг тегишли ваколати бўлган мансабдор шахслари томонидан тузилади.

3. 157-моддада:

— модданинг номи ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«157-модда. **Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни харид қилиш (бировга бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлик**

Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан республика ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни харид қилиш (бировга бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини, шунингдек радиочастоталардан фойдаланиш қоидалари, радионурланиш нормалари ва радио қабул қилишга йўл қўйиш мумкин бўлган саноат тўсиқлари нормаларини бузганлик, —

эллик сўмдан юз сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмнинг жазо белгиловчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юз сўмдан икки юз сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

4. Мазкур Кодекснинг 232-моддаси «187^4» рақамларидан кейин «187^5» рақамлари, «189» рақамларидан кейин «205^1» рақамлари билан тўлдирилсин.

5. 253-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«253-модда. **СССР Алоқа министрлиги системаси Давлат электр алоқаси инспекцияси ва Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги системаси Давлат алоқа инспекцияси органлари**

СССР Алоқа министрлиги системаси Давлат электр алоқаси инспекцияси ва Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги, Давлат алоқа инспекцияси органлари ушбу Кодекснинг 157 ва 157^1-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига СССР Алоқа министрлиги Давлат электр алоқаси инспекциясининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Давлат электр алоқаси инспекциясининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги системаси Давлат алоқа инспекциясининг бошлиғи, шунингдек Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат электр алоқаси инспекцияларининг бошлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат алоқа инспекцияларининг бошлиқлари ҳақидирлар».

6. 268-модданинг биринчи қисми «147» рақамларидан кейин «176^1—176^3» рақамлари билан тўлдирилсин.

7. 272-модданинг биринчи банди «милиция ходими ёки халқ дружиначисининг, шунингдек ҳарбий хизматчининг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўйсунмаган» сўзларидан кейин «судга ҳурматсизлик қилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 278-модданинг иккинчи қисми «171» рақамларидан кейин «176^1—176^3» рақамлари билан тўлдирилсин.

9. 288-модданинг иккинчи қисми «173» рақамларидан кейин «176^1—176^3» рақамлари билан тўлдирилсин.

10. 336-модданинг биринчи қисмидаги «177-моддасида» деган сўзлар «176^1, 177-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. 1971 йил 17 декабрдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1971 йил, № 34, 322-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 22-модда қуйидаги мазмунли иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Халқ депутати эгаллаб турган лавозимда вақтинча ишлаб туриш учун қабул қилинган ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади ва у депутат илгариги ишига қайтгач, бекор қилинади».

2. 36-модда биринчи қисмининг иккинчи бандидаги «(22-модданинг 2 ва 3-бандлари)» деган сўзлар «(22-модданинг 2, 3-бандлари ва иккинчи қисми)» деган сўзлар билан алмаштирилсин:

3. 80-модда қуйидаги мазмунли иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР халқ депутатига ҳар йили 36 иш кунига тенг ҳақ тўланадиган отпуска берилади, қонунларда бундан ҳам узоқроқ отпускалар кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Отпускага ҳақ тўлаш тартиби Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан белгиланади».

4. 127-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«127-модда. **Депутатлик вазифаларини бажариш чогида ишчи ва хизматчиларга бериладиган кафолатлар**

Олий Советнинг ёки халқ депутатлари маҳаллий Советининг сессиялари вақтида, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун депутат ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинади ва унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлари тегишли давлат бюджети ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон ССРда халқ депутати ўз ваколатлари даврида Советнинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса унинг раёсатининг розилигини олдиндан олмасдан туриб, маъмуриятнинг ташаббуси билан корхона, муассаса ёки ташкилотдаги ишидан бўшатилиши, колхоздан, бошқа кооперативдан, ўқув юртидан чиқарилиши ёки интизомий жазо тариқасида кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилган халқ депутатининг Совет ёки унинг идораларида ишлаган вақти умумий ва узлуксиз иш, хизмат стажи, аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади».

IV. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йил 23 мартдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1963 йил, №9, 30-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин;

1. Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 119^1 ва 258^2-моддалар билан тўлдирилсин:

«119^1-модда. **Гражданлар эгалигида бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулк**

Гражданлар эгалигида бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулкка қуйидагилар киради:

қурол-яроғ, шу жумладан ўқ отар қуроллар (силлиқ стволли ов милтиқлари, спорт, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган мукофот қуроллари бундан мустасно), ўқ-дорилар ва ҳарбий техника;

тиғли қурол (тақиб юриш миллий урф бўлган ёки ов мақсадига мўлжалланганлари бундан мустаснодир);

портловчи моддалар ва пиротехника буюмлари;

радиоактив моддалар ва материаллар, таркибида шу модда ва материаллар бўлган асбоблар ва ускуналар, ион ва рентген нурларини тарқатувчи манбалар, шунингдек рентген ва ультратовуш қурилмалари;

наркотик, бактериологик, биологик, асаба таъсир этувчи, кучли таъсир кўрсатувчи кимёвий ва заҳарли моддалар ҳамда воситалар, врач кўрсатмасига кўра қўлланадиган дори-дармонлар бундан мустасно;

фаол ҳимоя чоғида ва ички ишлар органлари ҳамда ички қўшинлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун амалга оширадиган актив оперцанияларни таъминлашда ишлатиладиган махсус воситалар;

мудофаа объектлари, граждан мудофаасининг ҳимоя иншоотлари, махсус техника, фақат давлат ҳамда жамоат хавфсизлиги манфаатлари йўлида фойдаланиладиган ускуна ва бошқа мол-мулклар.

Гражданлар эгалигида бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулкни ғайриқонуний тарзда сотиб олган, сақлаган, олиб юрган, тайёрлаган ёки сотган гражданлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўладилар».

258^2-модда. **Енгил ва юк автомобилларининг, улар тиркамаларининг, автобуслар, тракторлар ва кажавали оғир мотоциклар олди-сотди шартномасининг шакли**

Енгил ва юк автомобилларининг, улар тиркамаларининг, автобуслар, тракторлар ва кажавали оғир мотоцикларнинг олди-сотди шартномаси нотариус томонидан ҳужжатлаштирилган бўлиши керак.

Бу талабга риоя этмаслик ушбу Кодекснинг 52-моддасида кўзда тутилган қоидаларнинг қўлланишига сабаб бўлади».

2. 442-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Воситачи дўконлар совет гражданлари, СССР ҳудудида доимий яшайдиган чет эл гражданлари, гражданлиги бўлмаган шахслар, шунингдек СССР ҳудудида вақтинча яшаб турган чет эл гражданлари билан улардан янги, шунингдек ишлатилган кенг истеъмол буюмлари ва уй-рўзғор анжомлари, бадиий буюмлар, амалий санъат буюмлари, шунингдек антиквар буюмларни олиб, чакана савдо тартибида сотиш тўғрисида (воситачи дўконлар томонидан сотиш учун қабул қилиниши махсус қоидалар билан ман этилган буюмлар бундан мустаснодир, ушбу Кодекснинг 461-моддаси) воситачилик шартномасини тузадилар».

3. 449-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«449-модда. **Воситачи томонидан сотиладиган буюмларнинг баҳоси**

Воситачи дўкон томонидан қабул қилинган буюмларнинг баҳосини улар қай даражада эскиганидан қатъи назар комитет белгилайди.

Антиквар ва ноёб буюмларнинг ҳамда санъат асарларининг сотилиш баҳоси махсус нарх-наво бўйича воситачи дўкон томонидан белгиланади.

Қимматбаҳо металлардан, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари, қопламаси қимматбаҳо металлардан бўлган соатларнинг сотилиш баҳоси амалдаги давлат чакана нархларини, буюмнинг сифати ва харидоргирлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қоидаларда (ушбу Кодекснинг 461-моддаси) белгиланган муддатда сотилмаган буюмнинг баҳоси комитет билан келишилган ҳолда воситачи томонидан қайта баҳоланиши лозим.

Воситачилик асосларида сотиш учун матлубот кооперацияси ташкилоти томонидан колхозлардан қабул қилиб олинган ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш баҳоси томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланади».

V. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йил 6 июндаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила тўғрисидаги Кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1969 йил, №16, 142-модда; 1983 йил, №10, 165-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

1. Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 77^1-модда билан тўлдирилсин;

«77^1-модда. **Исми, ота исми ва фамилиянинг ёзилиши**

Боланинг исми, ота исми ва фамилияси ота-онанинг хоҳишига кўра ҳамда миллий-тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бир ёки бир неча сўзлар билан ёзилиши мумкин.

Ўзбек исмлари, ота исми ва фамилиялари бошқа тилларда ёзилганида уларнинг асл (бирламчи) ёзилиши сақланиб қолади. Ўзбек исмлари, ота исмлари ва фамилияларини ёзиш ўзбек тилининг талаффуз мезонларига бўйсунади».

2. 76-модданинг биринчи қисми «Ота-онасининг ихтиёри билан, миллатидан қатъи назар, болага бувасининг ёки отасининг исми фамилия қилиб берилиши мумкин» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 77-модда қуйидаги мазмунда бўлган учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбек миллий анъаналарига кўра боланинг исмига ота-онасининг хоҳиши билан «хон», «жон», «бек», «бону», «биби», «ой», «хўжа» ва бошқа қўшимчалар қўшиб ёзилиши, ота исми эса — отасининг исмига «ўғли», «қизи» сўзлари, «ий», «зода» қўшимчалари қўшилган ҳолда ёзилиши мумкин».

4. 146-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фарзандликка олувчининг илтимосига кўра фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилаётганида фарзандликка олинувчига фамилия фарзандликка олувчининг исми бўйича ёхуд фарзандликка олувчи отасининг исми бўйича берилиши ёки унга фарзандликка олувчининг фамилияси бўйича — фамилия ҳамда исми бўйича — ота исми берилиши мумкин. Бола аёл киши томонидан фарзандликка олинганда унга аёлнинг фамилияси бўйича фамилия берилади, шунингдек унинг кўрсатишига биноан ота исми берилиши мумкин. Фарзандликка олаётган шахснинг илтимосига кўра боланинг исми ҳам ўзгартирилиши мумкин».

VI. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йил 23 мартдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик-процессуал Кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1963 йил, № 9, 31-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 5-модда биринчи қисмининг 3-банди «бошқа жамоат ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «меҳнат коллективлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 44-модданинг биринчи қисми «бошқа жамоат ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «меҳнат коллективлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 47-модданинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) давлат бошқарув органининг раҳбари ёки мансабдор шахс ёхуд тобелик тартибида юқори турувчи органлар вакил қилган шахслар ушбу Кодекснинг 24^1-бобида қайд этилган ишлар бўйича».

4. 48-модданинг тўртинчи қисми «ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари (шу Кодекснинг 47-моддаси)» деган сўзлардан кейин «меҳнат коллективларининг вакиллари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 72-модданинг иккинчи қисмидаги ва 78-моддаларнинг иккинчи қисмидаги «10 сўмгача» деган сўзлар «30 сўмгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 83-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эксперт суд мажлисига келишдан атайлаб бош тортганлиги учун суд ўн беш суткагача муддатга маъмурий ҳибсга олиш ёки юз сўмгача миқдорда жарима солиш орқали уни маъмурий жазога тортишга ҳақлидир».

7. 88-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«88-модда. **Давлат божининг миқдори**

Даъво аризаларидан, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлардан, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар устидан судга бериладиган аризалар (шикоятлар)дан, судларнинг қарорлари устидан кассация тартибда бериладиган шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан бериладиган ҳужжатларнинг нусхалари учун қуйидаги миқдорда давлат божи олинади:

1) даъво қиймати юз сўмгача бўлган даъво аризаларидан — беш сўм;

2) даъво қиймати юз сўмдан ортиқ ва беш юз сўмгача бўлган даъво аризаларидан — даъво қийматининг олти фоизи;

3) даъво қиймати беш юз сўмдан ортиқ ва минг сўмгача бўлган даъво аризаларидан — даъво қийматининг саккиз фоизи;

4) даъво қиймати минг сўмдан ортиқ бўлган даъво аризаларидан — даъво қийматининг ўн фоизи;

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон ССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

5) колхозларнинг ва колхозлараро ташкилотларнинг давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари билан, шунингдек ўзаро низолари бўйича берилган даъво аризаларидан — бож ушбу модданинг 1—4-бандларига мувофиқ даъво қиймати бўйича белгиланади;

6) гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказаётган давлат бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлардан — ўн сўм;

7) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — ўттиз сўм;

8) иккинчи никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — эллик сўм;

9) никоҳ бекор қилинаётганида мол-мулк тақсимланадиган ҳолларда — бож ушбу модданинг 1—4-бандларига мувофиқ даъво қиймати бўйича белгиланади;

10) бедарак йўқолган ёки руҳий касаллиги ёҳуд ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган ё бўлмаса камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан белгиланган тартибда никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — беш сўм;

11) уй-жойларни ижарага олиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш, меросни олиш муддатини узайтириш, мол-мулкни ҳибсдан озод этиш тўғрисидаги даъво аризаларидан ва мулкий характерда бўлмаган (ёки баҳолаш мумкин бўлмаган) бошқа даъво аризаларидан, шунингдек алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан аризалар (шикоятлар) бўйича ўн сўм;

12) колхозлар ва колхозлараро ташкилотларнинг давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари билан, шунингдек ўзаро шартнома олди низолари бўйича даъво аризаларидан — йигирма беш сўм;

13) судларнинг қарорлари устидан кассация аризаларидан — даъво аризаси (алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан ариза) берилганда тўланиши керак бўлган қийматнинг эллик фоизи, мол-мулк низолари бўйича эса — низо юритилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган қийматнинг эллик фоизи.

Суднинг ажрими юзасидан берилган хусусий шикоятлар учун давлат божи тўланмайди;

14) суд қарорининг, ҳукмнинг, ажримнинг ва суд чиқарган бошқа қарорнинг нусхасини такрор берганлик учун — уч сўм ва бундан ташқари тайёрланган ҳар бир бет учун олтмиш тийин».

8. 94-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмунда бўлган 13 ва 14-бандлар билан тўлдирилсин:

«13) даъвогарлар — Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф-муҳитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш оқибатида давлатга келтирилган зиённи қоплаш учун пул ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

14) даъвогарлар — Ўзбекистон ССР Нархлар давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — нарх интизомини бузиш оқибатида кооперативлар асоссиз равишда орттирган даромадни бюджетга ундириб олиш ва тегишли жарима ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича».

9. 101^1-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин,

«101^1-модда. **Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тақсимлаш**

Суд гражданнинг шикоятини қондиришни рад этиш тўғрисида қарор чиқарган тақдирда шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни граждан зиммасига ёки агар давлат бошқарув органи ёҳуд мансабдор шахснинг ҳатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топса, ана шу орган ёҳуд мансабдор шахс зиммасига юклаши мумкин».

10. 169-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда қатнашувчи шахслар, вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар ва ишни кўриб чиқиш чоғида иштирок этаётган гражданлар суд мажлиси вақтида раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаганлик ёки тартибни бузганлик учун ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача миқдорда жарима солиш тарзида маъмурий жавобгарликка тортиладилар».

11. 178-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ишда қатнашаётган шахслар ҳамда вакиллар суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товласа, бу эса ишни қараб чиқиш кейинга қолдирилишига олиб келса, бу шахслар ва вакиллар, шунингдек вакилнинг суд мажлисига келишини таъминламаганликда айбдор бўлган корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг мансабдор шахслари ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазога тортиладилар».

12. 179-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Даъвогар ёки жавобгар ёҳуд даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, агар уларнинг бирортасидан ҳам ишни ўзлари йўқлигида кўриш тўғрисида ариза тушмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдириб, келмаган даъвогар ва жавобгарга ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазо қўллаши мумкин».

13. 180-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жавобгар суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, у ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазога тортиладилар».

14. 181-моданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гувоҳ суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда суд унга ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазо қўллаши ва ички ишлар органлари орқали мажбурий тарзда олиб келиши мумкин».

15. 24^1-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24^1-БОБ

Гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказаётган давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

264^1-модда. **Судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Граждан агар давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли ўзининг ҳуқуқларига путур етказилган деб ҳисобласа, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

264^2-модда. **Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ хатти-ҳаракатлари**

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ хатти-ҳаракатлари жумласига:

граждан қонунда ёки бошқа норматив ҳужжатда ўзига берилган ҳуқуқни тўла ёки қисман амалга ошириш имкониятидан қонунга хилоф равишда маҳрум этилишига;

граждан зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган коллегиал ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлар киради.

264^3-модда. **Мазкур боб нинг таъсир доираси**

Башарти, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг қонунларида шикоят қилишнинг ўзгача тартиби кўзда тутилган бўлса, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан ушбу бобга мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин эмас.

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг норматив характердаги ҳужжатлари устидан ушбу бобга биноан судга шикоят қилиниши мумкин эмас.

264^4-модда. **Шикоят бериш**

Ушбу бобга биноан давлат бошқаруви органи ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан тобелик тартибида юқори турувчи ва шикоятни кўриб чиқиши ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ойлик муддат ичида гражданга маълум қилиши шарт бўлган орган ёки мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилинганидан кейин — судга шикоят берилиши мумкин.

Шикоят судга ҳуқуқи бузилган граждан, унинг вакили, шунингдек граждан нинг илтимосига кўра — жамоат ташкилотининг, меҳнат коллективининг тегишли ваколати бўлган вакили томонидан берилиши мумкин.

Шикоят хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органи жойлашган ердаги ёки мансабдор шахснинг иш жойидаги район (шаҳар) халқ судига берилади.

Шикоят беришда белгиланган тартибда давлат божи тўланади.

264^5-модда. **Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари**

Граждан юқори органдан ёки мансабдор шахсдан ўз шикояти қондирилиши ҳақида раддия олган кундан бошлаб ёки юқори органга ёҳуд мансабдор шахсга шикоят топширилгандан сўнг бир ой муддат ўтган кундан бошлаб ҳисобланадиган бир ойлик муддат ичида, агар шикоятчи шикоятига жавоб олмаган бўлса, судга шикоят берилиши мумкин.

Узрли сабаб билан ўтиб кетган шикоят бериш муддати ушбу Кодекс 114-моддасининг қоидаларига биноан суд томонидан тикланиши мумкин.

264^6-модда. **Шикоятни кўриб чиқиш**

Шикоятни суд шикоят берган граждан ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органининг раҳбари ёки мансабдор шахснинг иштирокида ўн кунлик муддат ичида кўриб чиқади.

Шикоят берган граждан иш юзасидан ўз манфаатларини ҳимоя қилишни вакилга топширишга ҳақлидир.

Шикоят берган гражданнинг ёки хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органи раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг, ёҳуд улар вакилларининг узрсиз сабабга кўра суд мажлисига келмаганликлари шикоятнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, бироқ суд шикоят берган гражданнинг ва давлат бошқарув идораси раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг келишини мажбурий деб топиши мумкин.

Судда ишни кўриб чиқиш чоғида жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг вакиллари, шунингдек тобелик тартибида юқори органларнинг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин.

Суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни қонуний деб топган тобелик тартибидаги юқори мансабдор шахсларнинг ёки органларнинг материалларини тадқиқ этиши керак, шунингдек бошқа шахсларнинг тушунтиришларини тинглаши, зарур ҳужжатлар ва бошқа далил-исботларни тадқиқ қилиши мумкин.

264^7-модда. **Шикоят юзасидан суд қарори**

Агар суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни ғайриқонуний, гражданнинг ҳуқуқларига путур етказадиган деб топса, у шикоятнинг асосли эканлиги ва тегишли давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахснинг йўл қўйилган ҳуқуқбузарликни бартараф этишга мажбурлиги тўғрисида қарор чиқаради.

Агар суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар қонунга биноан, давлат бошқарув идораси ёки мансабдор шахс ваколатлари доирасида содир этилган деб топса, у шикоят қондирилишини рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Йўл қўйилган қонун ёки бошқа норматив ҳужжат бузилиши ҳолларини бартараф этиш учун суднинг шикоят юзасидан қабул қилган қарори хатти-ҳаракатлари хусусида шикоят билдирилган давлат бошқарув идорасининг раҳбарига ёҳуд мансабдор шахсга, ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Суднинг шикоят юзасидан чиқарган қарори ижро этилганлиги тўғрисида судга ва шикоятчига суд қарори олинган пайтдан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирмай маълум қилиниши керак. Қарор ижро этилмаган тақдирда суд ушбу Кодекснинг 436-моддасида кўзда тутилган чораларни кўради».

16. 235-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд гражданлик ишини ёки давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятни кўриб чиқиш чоғида мансабдор ёки бошқа шахснинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар беради ёки жиноий иш қўзғатади».

17. 251-модда биринчи қисмининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар бўйича ишлар».

18. 352-модданинг иккинчи қисми «путур етказаётган» деган сўзлардан кейин «давлат бошқарув органларининг ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

19. 403-моддада:

биринчи қисм қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин:

«Гражданлик ишлари, жиноий ишлар, юритилаётган маъмурий ишлар ва нотариал идоралари ижро хатларига тааллуқли қарор ва ҳукмларнинг мулкни ундириш қисмига оид, ажримлар ва ҳал қилув қарорларига оид мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш чоғида суд ижрочисига у қарздор ҳисобидан давлат бюджетига, шунингдек давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари ва ташкилотлари ҳамда гражданлар фойдасига ундириб олган маблағнинг беш фоизи миқдорида ҳақ тўланади»;

иккинчи қисм «қарздордан давлат» деган сўзлардан кейин «суд ижрочиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

VII. 1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил № 2, 3-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин.

1. 93-модда қуйидаги мазмунли тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССР халқ депутатига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон ССР Прокурори томонидан, Қорақалпоғистон АССР халқ депутатига нисбатан эса Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Прокурори томонидан ёки ўзга ҳолларда ва ташкилотлари ҳамда гражданлар фойдасига ундириб олган маблағнинг беш фоизи миқдорида ҳақ тўланади»;

иккинчи қисм «қарздордан давлат» деган сўзлардан кейин «суд ижрочиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 108-модданинг учинчи қисми «147^1» рақамларидан кейин «147^2» рақамлари билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

СУРАТ—АХБОРОТ

Булунғур районидаги Гагарин номли давлат хўжалигида айни галла пишиқчилиги арафасида электр билан ишлайдиган тегирмон фойдаланишга топширилди. Бу тегирмонда ҳар куни 1 тоннагача ун чиқариш мумкин. Райондаги 17 та давлат хўжалиги ҳам ўз тегирмонига эга бўлганлиги диққатга сазовордир.

* * *

Шу райондаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигида узум етиштириш сир-асрорини биладиган соҳибкорлар талайгина. Улардан бири оилавий звено бошлиғи Ҳазрат ака Эшқувватов. У ўтган йили 1,5 гектар токзордан 20 тонна узум етиштириб, яхши даромад олди. Бу йил ҳам ҳосилнинг чўғи баланд. Унинг чамасига кўра 22 тонна узум топшириш мўлжалланмоқда. Яқин кунларда узум узиш мавсуми ҳам бошланади.

Тўлқин Давлатов олган суратларда (юқорида) тегирмончи Эрназар ака Худойқулов ва меҳнат фахрийси Турсунбой ака Мустафоев тегирмондан чиққан ясиқнинг унни кўздан кечиришмоқда.

Пастдаги суратда эса Ҳазрат ака Эшқувватов токзорларни суғораётган пайти.

Ҳадисларда диний масалалар билан бирга жуда кўп ахлоқий одоб, таълим-тарбия, инсоний муносабатларга оид фикрлар, маълумотлар, ўгитлар мавжуд. Ҳадисларни саҳобалар даврида то ҳозирга қадар авайлаб сақлаб, китоб шаклида кейинги авлодларга бебаҳо мерос қилиб қолдириш ишида салаф уламоларимиз жуда катта ҳиммат кўрсатганлар.

МАШҲУР МУҲАДДИСЛАР

III/IX (аввалгиси — ҳижрий, кейингиси — милодий) аср бошларига келиб, ҳадис китобларини ёзиш, айниқса, кучайган. Тарихчилар бу асарни ҳадис илмининг «олтин девори» деб тасвирлаганлар. Бу асрда ал-Бухорий, Муслим, ан-Насрий, Абу Довут, ат-Термизий, Ибн Можжа каби машҳур муҳаддислар ўта самарали меҳнат қилганлар ва бошқа кўплаб муаллифлар қатори, ўзларининг «ал—Жомеъ — ассаҳиҳ» («Ишончли ҳадислар тўплами») ёки «ас-Сунан» («Пайғамбарнинг суннатлари») номли шоҳ асарларини ёзиб қолдирганлар. Бу асарлар ислом дунёсида «Кутуби ситта» («Олти китоб») ёки «Сиҳоҳи ситта» («Олтин саҳиҳ китоби») номи билан машҳурдирлар.

Бу ерда бир ҳадис тўпловчи бошқасидан фарқ қилсин, деб ўзи тўплаган ҳадислари мажмуасига бошқача ном беришга уринмаганлиги кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан қараганда буни ўрта асрларда ижод этган машҳур шоирларнинг кўпи ўз асарларига бир хил ном берганлигига ташбиҳ бўлади. Чунончи, Низомий, Навоий, Фузулий, Деҳлавий, Хотифий, Чекарий, Бехиштий каби ларнинг бир хил «Ҳамса» номли асар ёзгани ҳам шунга ўхшаш бир ҳолдир. Уларнинг ҳар бири асарининг бошқасидан фарқли бўлиши ва унда битилган ҳар асарнинг ўзига хос хусусияти бўлгани каби бу ерда ҳам аҳвол худди шундай бўлган.

Қуйидаги ушбу «Кутуби ситта» муаллифлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз.

Ҳадис илми бобида бутун ислом оламига маълум ва машҳур бўлган муҳаддислар ичида энг биринчи мартабада турадиган зот — ватандошимиз **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ислом ибн Иброҳим ибн ал-Мўғира ибн Бардизба ал-Жуъфий ал-Бухорийдир** (194/809 — 256/869). Уни одатан қисқартириб Имом Бухорий деб ҳам атайдилар.

Бағдодда истиқомат қилган йилларини ҳикоя қиладиларки, имом Бухорий асосан ойдин кечаларда ижод қилар экан. Қоронғи кечаларда эса шамчироқ нурида китоб ёзар эканлар. Илҳом келмай қолганда шамни ўчирар, бехос янги фикр келиб қолса, дарҳол чироқни ёқиб, ишда давом этар эканлар. Шу тариқа бир кечада 20 мартагача чироқни ёқиб ўчирганларини кузатган кишилар бор экан.

Имом Бухорийнинг илму-маърифатдан ташқари, зуҳду тақво, ҳиммат, саховат, одамийлик каби олий фазилатлари ҳам жуда мукаммал бўлган. Масалан, у отаси шайх Исмоилдан қолган мерос молларидан катта қисмини фақиру мискинлар ва толиби илмлар эҳтиёжига сарф этар эди.

Имом Бухорий асарлари ичида энг машҳури 4 жилдлик «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобидир. Маълумки, имом Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз китобларида эшитган ҳадисларини бир чеккадан нақл қилаверар эдилар. Ҳадисни барча шартлари билан ҳар томонлама текшириб саҳид ёки ғайри саҳиҳ қисмларга ажратмас эдилар. Биринчи бўлиб, у услубни имом Бухорий жорий қилган. Унинг мана шу «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарини ёзиб қолдирганига мана XII асрга яқин вақт ўтди. Ўша даврдан бошлаб барча ислом уламолари бу китобни Қуръондан кейин бевосита иккинчи ўринда турадиган манба деб баҳо бериб келадилар.

ДИЁРИМИЗДА имом Бухорийнинг номи фахру-эъзоз, иззату-эҳтиром билан тилга олинади. Бунга 1974 йили Самарқандда унинг туғилган кунига 1200 йил тўлиши муносабати билан «Имом Бухорий ва ҳозирги замон» шиори остида халқаро конференция ўтказилиши, шу муносабат билан унинг шоҳ асари саналмиш «ал Жомеъ ас-саҳиҳ» ва «ал-Адаб ал-муфрад» китобларининг мамлакатимизда биринчи марта нашр этилиши, масжиди, қабри ва унинг атрофларини обод этиш кабилар далил бўла олади.

Имом Бухорий ёшлик чоғиданоқ китоб таълиф эта бошлаган. Юқорида зикр қилинган китоблардан ташқари у яна йигирмага яқин асар ёзган, аммо ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган. Жумҳуриятимиз кутубхоналарида имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «ат-Тариз ал-кабир», «ат-тарих ас-сағир», «ал-Адаб, ал-муфрад», «ал-Қироату халфа-л-имом», «Рафъу-л-йадайни фи-с-салот» каби асарларининг қадимий нусхалари мавжуддир. Улардан бошқа имом Бухорий таълиф этган китобларга кўплаб шарҳ ва ҳошиялар битилган.

Юқорида бутун ислом дунёсида тан олинган энг ишончли ҳадислар тўпламлари асосан олтита дедик. Уларнинг биринчиси юқорида баён қилинган имом Бухорий китоби бўлса, иккинчиси, **Аб-л -Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсобурий** (206/821—261/874)нинг худди шу номли «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асаридир. Унинг «Имом Муслим» асари халқ орасида кўпроқ «Саҳиҳи Муслим» номи ила машҳур.

Имом Муслим ва имом Бухорий бир асрда яшаб, бирбирлари билан яқин алоқада бўлганлар. Унинг учун имом Бухорийдан ҳам юқори мартабали, обрўлироқ бир аллома дунёда йўқ эди. Зотан, имом Муслимнинг ўзи ҳам ўта меҳнатсевар, ижод қилаётган вақтида жумладаги ҳар бир сўзга катта эътибор берар ва унга жиддий масъулият билан ёндашар эди. Ҳақиқатан ҳам имом Муслим қаламидан чиққан ҳар бир асар замондошлари ва кейинги бир неча аср уламоларига ҳам асосий ва ишончли манба хизматини ўтаган.

Имом Муслим «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «ал-Муснад ал-кабир, ала-р рижол», «Китоб ас-асмон ва -л-куно», «Китоб ал-илал», «Китоб ал-ақрон» каби кўплаб асарларнинг муаллифидир. Имом Муслим энг йирик ва мўътабар асари «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ни ёзиш учун жуда кўп манба ва турли маълумотлардан фойдаланган, 300 мингдан ортиқ ҳадисни тўплаб, уни таҳлил қилиб чиққан. Бу китобга кўплаб шарҳ ва иловалар битилган ва ислом оламида у жуда катта эътибор қозонган.

Имом Муслим ҳам толиби илм мақсадида имом Бухорий борган диёрларнинг деярли ҳаммасида бўлган. У кўпроқ Ироққа сафар қилар ва у ерларнинг кўзга кўринган уламолари билан чуқур илмий алоқалар ўрнатган эди. Вафотидан бироз аввал (259/872) ҳам Ироқни зиёрат қилган эди. Имом Муслим 261/874 йили Нишопурнинг Насробод қишлоғида вафот этган ва шу жойга дафн қилинган.

Энди олти саҳиҳ ҳадис китоби — «Кутубу ситта»нинг тўрттасини ташкил этмиш «ас-Сунан»лар ва уларнинг муаллифлари ҳақида қисқача сўз юритамиз. Булар ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Довуд ва Ибн Можжалардир.

Абу Иса Муҳаммад ибн Иса ибн Савра ас-Суламий ал-Буғай ал-Термизий 209/824 йили ҳозирги Сурхондарё областининг Термиз шаҳрида таваллуд топган дейилади. Аслида у ҳозирги Шеробод ноҳиясининг Буғ қишлоғида туғилган бўлсада, ўсиб-улғайиши, илмлар эгаллаши ва истиқомати Термизда бўлган.

Имом Термизий кўп ҳадис мутолаасига қизиққан ва бу борада кўплаб муҳаддислардан бу илм сирларини ўрганган ва имом Бухорий, имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Муҳаммад ибн Башор, Аҳмад ибн Мониъ ва бошқа кўплаб уламоларни ўзига устоз деб билган. Маҳҳул ибн Фазл, Ҳаммод ибн Шокир, Ҳайсам ибн Кулайб аш-шоший, Аҳмад ибн Йусуф ан-Насафий каби алломалар эса имом Термизийга шогирд ҳисобланадилар.

Имом Термизий кўп қимматбаҳо асарлар ёзиб қолдирганлар. Чунончи «Китоб ал-илал» («Нуқсонлар китоби»), «Китоб ат-тарих» («Тарих китоби»), «Китоб аш-шамоил ан-набавийя» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг ахлоқ ва одобларига оид китоби») ва бошқалар шулар жумласидандир. «Сунан ат-Термизий» номли ҳадислар тўплами эса имом Термизийнинг энг машҳур асари ҳисобланади.

Барча муҳим илмларни эгаллаб, китоблар таълиф қилиб бўлгач, кексалик чоғида имом Термизийнинг кўзлари ожиз бўлиб қолган. У 278/892 йили Термизда вафот этган.

Абу Абдарраҳмон Аҳмад ибн Али ан—Насоий ал—Хуросоний 215/830 йили ҳозирги Туркманистоннинг Нисо шаҳрида таваллуд топган. У 15 ёшида машҳур муҳаддис Қутайба ибн Саъид ал—Бахлийдан 14 ой давомида ҳадис илмидан таҳсил олади. Ундан сўнг ўз даврининг илм марказларидан саналмиш Ҳижоз, Ироқ, Сурия, Миср, Хуросон каби ўлкаларда муҳаддислардан кўплаб ҳадис эшитади ва тўплайди. Улар орасида Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Исҳоқ ибн Ҳабиб, Абу Довуд, Исҳоқ ибн Мансур ал—Кавсаж, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Али ибн Ҳажр каби йирик олимлар бўлган.

Имом ас—Субкий ва Ҳофиз аз—Заҳабийларнинг шоҳидлик беришларича, имом Насоий ёдлаган ҳадисларнинг нўлпиги жиҳатидан имом Муслимдан ҳам устунроқдир.

РИВОЯТ қилишларича, имом Насоий ўзининг «ас—Сунан ал—кубро» асарини таснif этган чоғида ўша даврнинг шаҳзодалари ундан китобда келтирилган ҳадисларнинг ҳаммаси ишончлими, деб сўрашган. Шунда у китобдаги ҳамма ҳадисларни ҳам тўғри, ишончли деб айтиш мумкин эмаслигини айтиб, ундан заиф ҳадисларни чиқариб ташлашга бел боғлаган. Натижада «ал—Мужтабо» номида иккинчи қисқартирилган «ас—Сунан» китоби юзага келган.

Имом Насоий кўп вақт Мисрда яшаган ва мазкур асарини ҳам ўша ерда таълиф этган. Тарихий манбаъларнинг хабар беришича, умрининг охирида у Мисрни тарк этиб, Дамашқ шаҳрига келади. Дамашқ уламоларидан баъзилари ундан Муовиянинг бошқа ҳукмдорларидан устунлигини кўрсатадиган ҳадислардан ривоят қилиб беришлигини сўрайдилар. Имом Насоий бу қасддан берилган савол эканлигини тушунади ва: («Мен Муовиянинг бошқа ҳукмдорлардан ҳеч қандай устунлиги борлигини ва умуман, унда қандайдир фазилатлар борлигини билмайман», — деб жавоб беради. Шунда бу сўзларни эшитган одамлар унга беҳосдан ёпирилиб, уни тепиб қалтаклай бошлайдилар ва масжиддан ташқарига улоқтириб ташлайдилар. Шу тариқа Шомдан ҳафсаласи пир бўлган имом Насоий Фаластиннинг Рамла деган шаҳрига йўл олади ва у ерда оғир кунларни бошидан кечириб, 303/915 йили вафот этади.

Абу Довуд Сулаймин ас—Сижистоний 202/817 йили Басранинг Сижистон деган жойида дунёга келган. У ёшлигиданоқ илму-маърифатга катта иштиёқ ҳосил қилади, талаби илм мақсадида илмий ва маданий марказлар бўйлаб саёҳат қилади, ҳадис илмидан хабардор одамларни ахтариб топади, ўзига керакли деб билган ҳадисларни ёзиб боради. Абу Довуд ўз асарини «ас—Сунан» деб номлайди. Машҳур муҳаддис, соҳиби мазҳаб имом Аҳмад ибн Ҳанбал бу китобга жуда катта баҳо берган. Абу Довуд ҳам имом Бухорий, имом Муслим, имом Аҳмад, имом Термизий, имом Насоий, Абу Авона каби буюк олимлар билан бир асрда яшаб, ҳаммалари билан ҳамсуҳбат бўлган.

Абу Довуд ўз замондошлари наздида буюк донишманд эди. Мусо ибн Ҳорун деган олимнинг ибораси билан айтганда, у дунёда ҳадис учун, охиратда эса жаннат учун яратилган.

Абу Довуднинг асари шарҳларидан бирига таниқли олим Абу Сулаймон ал—Ҳоттобий ўз шарҳи муқаддимасида шуларни ёзади: «Дин оламида Абу Довуднинг «ас—Сунан»и каби шарафи буюк саналган китоб ҳалигача таснif этилган эмас. Бу асар халқ орасида шу қадар юксак обрў қозондики, у ҳатто Ироқ, Миср, Мағриб ва бошқа ўлкалардаги ҳадис таснif этувчилар учун асосий манбалардан саналадиган бўлди. Шундайки, Хуросон аҳли орасида Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «Ал—саҳиҳ» китоблари катта эътибор қозонган, саҳиҳ ҳадислар таснifи шартлари уларнинг кўз ўнгида туриб, улардан доимо ўрнак олишсалар-да, Абу Довуднинг «ас—Сунан»и янада кўпроқ фиқҳ ҳукмларини қамраб олганлиги билан бошқа асарлардан устун саналади.

Бу зот ҳақида бир кичик ҳикоя: Абу Довуд одатан катта чопон кийиб юрар экан. Чопонда иккита чўнтак бўлиб, бири жуда катта, иккинчиси жуда ҳам кичик экан. Бунинг сабабини сўрашганда: «Биринчиси китоб, дафтар учун, иккинчиси пул учундир. Биринчиси жуда кўп ишлайди, шунинг учун катта қилиб тикилган. Иккинчиси жуда кам ишлайди, бинобарин у кичик қилиб тикилган», деб жавоб берган экан.

Абу Довуд ҳаётининг сўнгги йилларини Басра шаҳрида ўтказади ва ўша ерда 275/888 йили вафот этади.

Олтинчи машҳур муҳаддис — **Абу Абуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Абдуллоҳ ибн Можжа ал—Қазвиний** 219/834 йили Қазвин (ҳозирги Каспий бўйи ноҳияларидан бири)да таваллуд топган. У ҳам машҳур беш муҳаддислар изидан борib, ҳадис илмини пухта эгаллаш ниятида ислом дунёсининг деярли барча мамлакатларида сафарда бўлган. У ерларда Абу Бакр Ибн Абу Шайба, ал—Лайс ибн Саъд, Иброҳим ибн ал—Мунғир, Абудллоҳ ибн Муовия, Ҳишом ибн Аммор каби машҳур муҳаддислар билан учрашади, суҳбатларида бўлади, ҳадис бобидаги илмларни такомиллаштиради.

Фиқҳ бобларига мослаб таълиф этган «ас—Сунан» ҳадислар тўплами билан ибн Можжа ислом оламида шуҳрат қозонди. VI—XII аср бошларига қадар бу китоб «Кутуби ситта»дан ўрин олмаган эди. Бу давргача машҳур ҳадис китобларининг сони бешта деб юритилган. Улар имом Бухорий ва имом Муслимнинг «ал—Жомеъ ас—саҳиҳ» китоблари, имом Термизий, имом Насоий ва Абу Довуднинг «ас—Сунан»лари эди. Муҳаддислардан Абул—Фазл ибн Тоҳир ал—Мақдисий (ваф. 507/1113) бу беш китобга бағишлаб «Атроф» номли асар ёзган ва унга ибн Можжанинг «ас—Сунан»ини ҳам киритган. Сўнгра у «Олти имомнинг шартлари» номли китоб ҳам ёзган. Шундан кейингина Ибн Можжанинг «ас—Сунан»и ҳам мўътабар олти китоб ичидан ўрин олабошлаган. У 32 қисм ва 1500 бобдан иборат бўлиб, унда 4000 ҳадис мавжуд. Ибн Можжа 273/886 йили вафот этган.

Юқорида зикр қилинган олтита машҳур муҳаддислар нинг кўпчилиги бизнинг диёрлардан чиққанлиги диққат ва эътиборга сазовордир.

Ш. БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

ТАНГАЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

• *Музей залларида*

Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи фондида 70 мингдан ортиқ нодир танга сақланмоқда. Нумизматика фонди бўлган ва жаҳонга номи таралган Эрмитаж, Лувр, Британия, Берлин, Лейден музейларида сақланаётган тангалар ҳам шунча миқдорда эмас.

Ана шундай энг нодир тангалардан бири дариклар ёки Доройи номидаги олтин пуллардир. У Эрондаги Ахмонийлардан бўлган подшо Доро III Кодоман томонидан зарб этилгандир. Доро III Кодоман Ахмонийларнинг Арманистондаги сатрапи (ҳокими) бўлиб, эрамиздан аввалги 336 йилда Эрон тахтига ўтирган эди. Кўп ўтмай, Эрон бошига кулфат тушди. Эронга македониялик Искандар Зулқарнайн бостириб кириб, унинг қўшинларини бирин-кетин тор-мор эта бошлади. Доронинг аскарлари сон жиҳатидан устун бўлса ҳам, ўзининг жанговарлик қобилияти бўйича македонияликлардан анча паст эди. Ана шунинг натижасида эрамиздан аввалги 331 йил 1 сентябрда Гавгамелда (Сурия) бўлган сўнгги жангда Эрон қўшинлари бутунлай тор-мор этилди ва Эрон Искандар қўлига ўтди.

Дарик ёки Доройи номли пул, нумизмат олимларнинг фикрича, «Олтин» сўзидан бўлиб, қадимги форс тилида «Дарай» дейилган. Олтин пулнинг юз томонида подшо тасвирланган бўлиб, у чўккалаган ҳолда бошида тож, орқасига садоқ (ўқдон) осган, ўнг қўлида найза тутган ва чап қўлида ўқ-ёй тортган ҳолда тасвирланган. Оғирлиги 16,55 граммдир. Тарих фанлари доктори Е. В. Зеймалнинг фикрича, бу тангалар эрамиздан аввалги 331—336 йилларда Бобил (Вавилон)да зарб этилган.

Музейда сақланаётган нодир тангалардан яна бири дариклар замондоши бўлган кумуш тетрадраҳмадир. Тетрадраҳма македониялик Искандар томонидан зарб эттирилган. Танганинг юз томонида подшо тасвирланган ва орқа томонида Македония подшоларининг ҳомийси Зевс акс эттирилган. Зевснинг ўн қўлида бургут. Тахтнинг орқасида эса Искандар сўзлари ёзилган. Оғирлиги 17,4 грамм.

Эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб македониялик Искандар тетрадраҳмаларига тақлид қилиб, Ўрта Осиё шаҳарларида юпқа кумуш пуллар зарб эта бошлади. Музейимизда бундай нодир пуллардан бир неча донаси бўлиб, дарик ва тетрадраҳма улар орасида ягона. Танга пуллар қадимги дунё тарихи, сиёсати, иқтисодиёти, лингвистикасини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Ана шунинг учун тарих ва маданият ёдгорликлари бўлган бундай тангалар музейларда сақланиши лозим. Ҳар бир танганинг топилган жойи ҳам аҳамият касб этиб, муҳим археологик қазилма учун йўлланма бўла олади.

А. МУСАКАЕВА,
музей илмий ходими.



ҲАММАСИ ҲАВАСКОРЛИКДАН БОШЛАНАР

Қувадаги «Анор» халқ ансамбли раққоса қизлари ўзларининг ажойиб, дилтортар ўйинлари билан кўпчиликни хушнуд этмоқда. Ансамблнинг бундай номланиши бежиз эмас. Чунки, қуваликлар ширин-шакар анорлари билан фахрланиб юришади.

Раққосалар нафақат Фарғона вилоятида, ҳатто қўшни жумҳуриятларнинг Ош, Хўжанд ва бошқа жойларда бўлиб уларга маданий хизмат кўрсатишмоқда.

* * *

Қуванинг шундай ёнгинасида Шаҳрихон тикув-трикотаж фабрикаси жойлашган. У ердаги ёшлар санъатга жуда ихлосманд. Абдулаҳад Баҳромов фабрика қошида ташкил этилган маданият уйининг бадиий раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда. У ёшларга санъат сирларини ўргатибгина қолмай, ўзи ҳам етук қўшиқчилардан ўрганмоқда. Кейинги йилларда кўнгилочар қўшиқлари билан у жумҳурият телевидениеси ва радиоси орқали тез-тез чиқиб турибди. Мухлислар эътиборидан ўрин олган.

Суратларда: «Анорнинг раққосалари ва Абдулаҳад Баҳромов.

У. ҚУШВОҚОВ ва В. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИЛМГОҲИ

юқори молекулали бирикмалар кимёси (2 ўрин — кундузги, сиртқи) ихтисоси бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1991 йил 1 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700128, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7 «б» уй. Телефон 41-88-01.

•

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги

А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЙ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

«Маданий-оқартув фаолияти назарияси, услубиёти ва уни ташкил этиш», «кутубхонашунослик ва библиографияшунослик» ихтиосслари бўйича

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲУЖЖАТЛАР — 1991 ЙИЛ 31 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольт даҳаси, 3-сектор, 127 «а» уй. Телефонлар: 62-04-63, 62-03-23.

•

ТОШКЕНТ КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИ

совутиш қурилмаси билан жиҳозланган янги ГАЗ-52 рефрижераторини янги ЗИЛ-130 автомашинасига ёки КАВЗ автобусига;

Янги УАЗ-469 енгил автомашинасини янги ВОЛГА-ГАЗ-24 автомашинасига

АЛМАШТИРАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700061, Тошкент шаҳри, К. Цеткин кўчаси, 41-уй. Телефон 56-71-67.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ОВОЗ ЁРДАМИДА КАСАЛЛИКНИ АНИҚЛАШ

● РИГА. Латвия травмотология ва ортопедия илмий-тадқиқот илмгоҳида яратилган ихчам ультратовушли аппарат суякнинг синган ери қандай битаётганлигидан дарак беради. Мутахассислар суяк тўқимасида ультратовушнинг тарқалиш тезлигига қараб унинг тузилиши ва механик ҳоссалари ҳақида фикр юритиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. Бундай маълумотлар бўғин ва бўғин касалликларини ҳамда бошқа баъзи хасталикларни даволашда жуда зарурдир. Бу маълумотлар ишлатилаётган дори-дармонлар ва қилинаётган муолажа нақадар самарали эканлигидан дарак беради. Бемор саноқли дақиқаларда текширилади ва олинган натижалар компьютерда ишлаб чиқилади. Қурилма синовдан муваффақиятли ўтди.

КОНВЕРСИЯ ТИББИЁТ ХИЗМАТИДА

● СВЕРДЛОВСК. Урал электр кимё комбинати «сунъий буйрак» аппаратини ишлаб чиқара бошлади. У конверсия доирасида ишлаётган шаҳардаги модафаа корхоналарининг бирида Швециядан олинган лицензия асосида тайёрланди. Корхонанинг бундан буёнги конверсиялаш режалари ҳам мураккаб тиббиёт ускуналарини яратишга алоқадордир.

(ТАСС мухбирлари хабарларидан).

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА УРИНЛАР

● СССР халқлари ёзги X спартакиадаси дастури бўйича боксчилар ҳам ғолиблик учун курашни бошлаб юборишди. Минск шаҳрида жумҳуриятимиз вакиллари саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказишмоқда. Жумладан, Уйғун Сиддиқов, Наримон Отаев, Норқул Султонов, Артур Григорьян, Игорь Бунин, Ҳамид Турсунов, Марат Китобов, Олег Маскаевлар биттадан ғалабага эришиб, курашни давом эттирмоқдалар.

● Париж йўллари бўйлаб ўтказилаётган халқаро велопойгада тошкентлик таниқли спортчи Жамолиддин Абдужабборов ўзини кўрсатмоқда. У дастлабки 114 ярим километрлик масофада ғалаба қозонган эди. Учинчи босқичда маррага тўртинчи бўлиб келди. Умум ҳисобда кучли олтиликдан жой олиб турибди.

● Биринчи лига футбол жамоалари яна уч мартадан майдонга тушгач, мамлакат чемпионатининг дастлабки даврасы ўйинлари якунланади. Фарғона водийси футболчилари ўз майдонларида ажойиб ўйинлар кўрсатиб, мухлисларни қувонтиришган эди. Ставрополь динамочилари билан учрашувда Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари жавобсиз иккита тўп ўтказиб юборишди. «Нефтяник» эса «Котайк» майдонида (1:2) имкониятни бой берди. Ҳозир «Тилғул» жамоаси 26 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Ротор» ҳисобида 25 та очко бор. «Буковина», «Ростсельмаш» жамоалари 23 тадан очко тўплашди. «Навбаҳор» 22 очко билан бешинчи бўлиб турибди. «Нефтяник» ҳисобида 18 та очко бор.

• *Қонун ва ижтимоий адолат*

ЁЗИЛМАГАН ВАСИЯТ

«Ҳурматли редакция! Биз саккиз йил ҳақиқат излаб, топмадик. Тўққизинчи йилни ҳам ташвиш билан бошладик. Ишимиз суд органларига боғлиқ. Улар қўни-қўшнилар ва тирик гувоҳларнинг фикрини инобатга олишмаяпти.

Воқеанинг тафсилоти бундай: опам Ҳанифа Дадабоева Андижон шаҳар, Куйбишев кўчаси 15-уйда яшовчи Нўъмон Аминжонов билан турмуш қурган эди. (У вафот этган). Бир неча йил фарзанд кўришмади. Ўзаро келишиб Ҳабиба исмли қизчани боқиб олишди. Опам касалликка йўлиққандан кейин эри: «Туғмасанг, рўзғорга ярамасанг, ажралишдан бошқа чора қолмади» деб, улар 1967 йил, 7 февралда қонуний ажрашганлар. Қизлари Ҳабиба отасида қолган. Опам катта акам Шаробиддин Сайфутдиновнинг уйига кўчиб келган. Кейинчалик у опамга Асакадан уй олиб берган эди.

Кўп ўтмай Нўъмон Ҳабибани боқолмай, опамга келтириб берди. Опам уни тарбиялаб, вояга етказди, ўқитди, 1979 йили турмушга узатди. Шундан кейин Ҳабиба ўзи билан ўзи бўлиб, опамдан хабар ололмай қолди.

Опамнинг касаллиги кучайиб кетди, Докторларга кўрсатдим, даволатдим, бўлмади. 1982 йил 23 июлда вафот этди.

Табиийки опамнинг уйи ҳувиллаб, бўшаб қолди. Рафиқам, тўрт фарзандим билан кўчиб келиб, опамнинг маросимларини ўтказиб, чироқларини ёқиб ўтирдим. Ҳовли-жойни ўз номимга расмийлаштириш учун Ленин шаҳар нотариал идораси бошлиғи Мустафинага мурожаат қилдим. У: «Ҳужжат тайёрлаб, менинг номимга ариза ёзиб, почта орқали юборинг», — деди. Шундай қилдим ва бир неча кундан кейин яна Мустафинага учрадим. У: «Аризангизни олдим, лекин уйни опангизнинг асранди қизи Насиба Аминжоновага (бир ҳужжатда исми шундай), (8 июнь, 1983 йил) васиқа қилиб бердим», деди. Мен Мустафинанинг бу ишидан норози бўлиб, Ленин шаҳар прокуратурасига, Ленин район халқ судига, Андижон вилоят судига мурожаат қилдим. Улар масалага юзаки қарадилар, мени ойлам, фарзандларим билан опамнинг уйидан кўчиришга қарор қилдилар. Адолат борми ўзи? Агар бор бўлса топишга ёрдам берингилар.

Абдувоҳид ДАДАБОЕВ,
Андижон вилояти, Ленин шаҳар Тошкенбоев, 3-тор кўча, 17 уй...».

Маълум бир ҳақиқатга асосланиб ёзилган бу хат кўп идоралар, прокуратуралар, суд органларига юборилган. Саккиз йил давомида уни юзлаб ҳуқуқшуносслар ўқишган. Халқ судларида қайта-қайта кўрилган, ўнлаб «ҳал қилувчи» қарорлар қабул қилинган. Лекин ечими А. Дадабоев истагандек бўлмаган...

Бу ишни биринчи марта Ленин район халқ суди 1984 йил 30 майда кўриб чиқиб, шундай қарор қабул қилган:

«Суд Ўзбекистон ССР гражданлик кодексининг 579-моддасига мувофиқ мерос гувоҳномаси даъвогар Аминжонова Насибага тўғри берилган, деб ҳисоблайди. Абдувоҳид Дадабоевнинг қарши даъвосини эса ноўрин ҳисоблаб, уни Андижон шаҳар Челюскин кўчасидаги 7-уйга кўчиришлигини лозим топади.

Ленин район халқ судининг раиси:

Ф. ШОМУРОДОВА».

А. Дадабоев бу қарордан норизо бўлиб, ўз даъволарини исботлаб судга қайта ариза беради. Ленин шаҳар халқ суди (раиси П. Ўринбоев), кейин Андижон вилоят суди ишни Н. Аминжонова фойдасига ҳал этади. Ниҳоят, 1989 йил 31 августда вилоят суди ҳайъати унинг аризасини иккинчи марта кўриб қуйидаги қарорни чиқаради:

«...Ўзбекистон ССР оила кодексининг 134-моддасида фарзандликка олинадиган бола шахсининг илтимоси бўйича халқ депутатлари район ёки шаҳар ижроия комитети қарори билан расмийлаштирилади, дейилади. Ленин район ва шаҳар халқ судлари Аминжонова Насибани Х. Дадабоева фарзандликка олганлиги ҳақида ижроком қарори бор-йўқлигини аниқлаб, ишга қўшмаган. Аминжонованинг туғилганлиги гувоҳномаси нега иккиталиги ва икки хиллиги сабаби аниқланмаган, Ўзбекистон гражданлик процессуал кодексининг 15-моддаси талаблари бажарилмай тақдим қилинган материаллар ва баённот билан чекланиб, ишнинг ҳақиқий ҳолати очилмаган.

Юқоридагиларга кўра, вилоят суди ҳайъати Ўзбекистон ССР гражданлик процессуал кодексининг 381-моддасини қўллаб, Ленин шаҳар халқ судининг 1988 йил 13 октябрь, вилоят судининг 1989 йил 13 январдаги Н. Аминжонованинг жавобгарлигидаги гражданлик иши бўйича чиқарган ҳал қилувчи қарорларини бекор қилишга қарор қилди.

Андижон вилоят суди ҳайъати раиси Подминогин В. Н. Вилоят судининг аъзоси Ашуров Н».

Сарсон-саргардонлик, ариза-бозлик давом этади. Насиба Аминжонова вилоят судига «тоғаси» уйни бўшатмаётгани ҳақида, Абдувоҳид Дадабоев эса қизнинг даъвосини тан олмаслиги ҳақида ариза беради.

Тағин текшир-текшир бошланиб. вилоят суди бу жанжалли ишни 1990 йил 29 январда учинчи марта кўради ва очиқ суд мажлиси шундай тўхтамга келади:

«...Аминжонова Насиба Нўъмоновнанинг даъвоси қаноатлантирилсин. Абдувоҳид Дадабоев оила аъзолари билан Ленин шаҳар, Тошкенбоев 3-тор кўчаси 17-уйдан кўчирилсин.

Уларнинг вакили адвокат Ҳакимов Турсунбойнинг норозилик шикоятини қувватлаб берган баённотини эшитиб, прокурорнинг шикоятни қаноатлантириш учун асос йўқлиги ҳақидаги хулосасини тинглаб, Андижон вилоят судининг ҳал қилувчи қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон ССР гражданлик кодексининг 579-моддасига асосан қонун бўйича мерос олишда биринчи навбатдаги ворислар қаторига марҳумнинг тенг ҳиссага эга бўлган болалари (шу жумладан, болаликка олинганлар ҳам) киради...»

Мен масаланинг бошқа қирралари бўйича ўз нуқтаи назаримни айтмоқчиман.

А. Дадабоев ҳамон ўз даъвосида турибди. Масаланинг бу томони қонун посбонларига ҳавола. Кейинги йилларда мерос масаласи энг чигал, энг жанжалли масалага айланиб қолмоқда. Редакцияга битта иморат, бир парча ер, деб қариндошуруғлар орасига совуқчилик тушаётгани ҳақида хатлар келиб турибди. Наҳотки, ўртадаги битта иморат ёки енгил машина, деб ака-укадан, ота-боладан, тоға-жияндан юз ўгирса. Қадр-қиммат, иззат-икром, меҳр-оқибат қаёқда қолди? «Меросхўр»ларга нима бўлган ўзи. Ахир яхши одамлар баҳоли қудрат етти ёт бегонага ҳам меҳр-шафқат кўрсатишмас-ку?

Марҳума Ханифа Дадабаевадан қолган битта иморат унинг меросхўрлари: тоға ва жиянни тескари қилиб ташлашга сабаб нима? Нега улар саккиз йилдан бери бир тўхтамга келолмайдилар? Воқеани тўла ҳикоя қилишдан мақсад ана шу саволларга ҳолис жавоб излаш, мерос ва меросхўр ҳақида фикр юритишдир.

Биз Ленин шаҳар Карл Маркс номли маҳалла Тошкенбоев кўчасига бориб кишилар билан гаплашганимизда бир нарса ҳақида гувоҳлик беришди. «Ҳанифахонни яхши биламиз. Раҳматлик дунёга келиб ҳузур-ҳаловат кўрмади, нафас қисиш касаллиги билан олишиб оламдан ўтди. Вафотидан кейин ҳам уни тинч қўйишмаяпти. Аслида бу уйни унга туғишган акаси Шаробиддин Сайфутдинов олиб берган эди. Уй марҳуманинг номида бўлса нима қипти».

— «Ёшим етмиш бирда, — деди маҳалла дастурхончиси Саодат Охунова, — Ҳанифа билан қўшни яшаганман. Насиба эрга теккандан кейин Ҳанифадан хабар олмай қўйди. Марҳума касалхонада ётганда Насибага одам жўнатди. Шунда ҳам у кўргани бормади. Ҳанифа оғирлашиб қолди. Касалхонадан олиб келишди. Шунда у: «уй укам Абдувоҳидга қолади», деб жон берди. Мен бу гапни ўз қулоғим билан эшитганман. Лекин у васиятнома ёзишга улгурмади.

«Мен Ҳанифа Дадабоева билан касалхонада бирга ётиб, унинг ҳасратларини тинглаганман. Ундан асосан Абдувоҳид ва унинг рафиқаси Турғуной ҳабар олиб туришарди. У опаси ҳақида кўп қайғурди, «Оқтош», «Кисловодск» санаторийларига олиб борди. Ҳанифа менинг олдимда укасига: «Қазоим етиб ўлсам, ўлигимни кўмиб, расм-русумларимни қилиб, эшигимни очиб ўтиррасан, уйимни ўз номингга ўтказиб ол», деганди. Шунда Абдувоҳид: «соғайиб кетасиз», деб опасининг кўнглини кўтарган эди. (ён қўшниси Робия Камолова хатидан)».

Энди маҳалла комитетининг собиқ раиси Фозилжон ота Раҳмоновнинг сўзини эшитинг: «Ҳанифани касалхонадан олиб келишаётган эди. У менга: «Мабодо ўлиб қолсам уйим Абдувоҳидга қолсин», деб васият қилди. У вафот этди, Абдувоҳид маъракаларини ўтказди. Буни бутун маҳалла билади. Биз Ҳанифанинг уйига акаукалари меросхўр, деб гувоҳлик беряпмиз-у, лекин гувоҳлигимиз ўтмаяпти».

Маҳалла комитети қошидаги ўртоқлик судининг раиси Т. Жўрабоев, марҳумининг қўшнилари Ф. Кимсанбоев, О. Фозилова ва бошқалар уйни пуллаб, даъвогарларга бўлиб бериш керак, деган фикр билдирдилар.

А. Эшмуродов, С. Норматова, А. Йўлдошев ва бошқалар мерос Аминжонова Насибага бўлгани маъқул, дейишди.

Ҳуллас, ҳар ким ҳар хил фикр айтди. Маҳалла аҳлининг сўзларини эшитиб, мерос талашиб кўп азият чеккан бошқа бир аризачи: Андижон районидаги Хартум қишлоғининг Жаҳонбоб кўчаси 110-уйда яшовчи Шамсутдинова — Зулунова Раъно хонни эсладим. Тўғриси, у ҳам «Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳаррири қабулида бўлган ва икки марта редакцияга хат орқали мурожаат қилган.

Воқеанинг баёни: Хартумлик Мамазулун Каримов 1943 йилда урушда ҳалок бўлган. Уйда хотини Холисхон Каримова, ўғли Машрабжон, қизи Шаҳодатхон қолди. Мамазулуннинг Андижон шаҳрига кўчиб кетган туғишган укаси Олимжон Каримов уларникига қариндош сифатида келиб-кетиб юрди. Машрабжон ҳам, Шаҳодатхон ҳам уйли-жойли бўлиб бошқа жойда яшадилар.

Холисхон эридан қолган икки хонали уйда ёлғиз истиқомат қилди. Уйнинг 12 сотих ҳовлиси бўлган. Олимжон шаҳардан қатнаб, ана шу ҳовлининг бир четига пишиқ ғиштдан уч-тўрт хонали ой қура бошлади. 1986 йилда Холисхон қўқисдан вафот этди. Бир йил ўтиб-ўтмай саккиз фарзандли ва шаҳарда яшайдиган ўғли Машрабжон ҳам оламдан ўтди. Холисхон, Машрабжон ҳаётлигида Олимжон Каримовга ҳеч ким: «нега бу ҳовлига уй қуряпсан, мумкин эмас» демади.

Уй битиб, кўзга кўрингандан кейин Машрабжоннинг қизи Раъно хон (у ҳам уйли-жойли, шаҳарда яшайди) «амаким бизнинг ҳовлимиздан уйини бузиб кетсин», деб жанжал бошлади. У кетма-кет район ижроия комитетига, район прокуратурасига, вилоят ижроия комитетига, вилоят партия комитетига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва юқорида айтганимиздек, «Совет Ўзбекистони» рўзномасига шикоят хатлари йўллади.

Бу ишга аралашмаган нуфузли ташкилот қолмади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва вилоят партия комитети тузган комиссия составида мен ҳам бор эдим. Комиссия хулосаси: 12 сотихдан иборат ҳовли даъвогарларга тенг бўлиб берилди. Бундан ташқари Карл Маркс номли давлат хўжалиги Раъно хон Зулуновалар оиласига сал наридан уй қуриш учун қўшимча ер участкаси берди (бизга айтишларича. Олимжон тоғага ҳовли бўлинган жойдаги ёғоч деворни ўз чегарасига жилдирибди. Лекин дарвоза ўз жойида турганмиш. У яқин кунларда дарвозани ҳам ўзи томонга олади, деган умиддамиз).

Масала деярли ҳал бўлибди-ку, нега у рўзнома саҳифасига олиб чиқилди, деган савол туғилиши табиий. Гап масаланинг ҳал бўлишида эмас. Гап қавм-қариндошларнинг бир-бирларидан юз ўгирганларида. Бир парча ер ташвиши. Раъно хонга ҳам, Олимжон тоғага ҳам тўрт йил тинчлик бермади. Оқибатда ўртага совуқчилик тушди, меҳр-муҳаббат кўтарилди...

Ижозатингиз билан яна бир фожиани эслатиб ўтмоқчиман. Мерос туфайли акаукалар: Андижон шаҳар Гастелло кўча 29-уйда яшовчи Солиев Умар, шу шаҳар Қизил Аскар кўча 34-уйда яшовчи Солиев Мирвали оиласи ўртасига ҳам «хитой девори» урилди. Уларнинг отаси 1975 йилда вафот этган. Умар 12 йилдан кейин укаси Мирвали билан отасидан қолган эски уйни талашиб вилоят судига ариза берди. Суд меросни қабул қилиш юзасидан қонунда белгиланган муддат узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборилгани учун даъвогар Солиев Умарнинг ўзини меросхўр, деб топиш ва меросни олиш тўғрисидаги талабини рад этди...

Иморат, машина, молмулк талашиб ёқалашаётган, бир-бирининг обрўсини тўкаётган «меросхўр»лар рўйхатини давом эттириш мумкин.

Мерос можароси... Уни ҳал этишда суд органлари ҳам, халқ ҳам қийналяпти. Модомики шундай экан, мерос тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритилса бўлмасмикин? Нега қонуншунослар бу ҳақда чуқурроқ ўйламайдилар. Ҳозирча бундай чигал жумбоқларни халқнинг ўзига қўйиб бериш, маҳалла оқсоқолларига, ўртоқлик судларига ҳавола қилиш ҳам яхши самара бериши мумкин.

Шу ўринда кимнингдир ўлимини кутаётган, ундан қоладиган меросга кўз тикиб ўтирган «меросхўр»ларга айтадиган икки оғиз гапимиз бор. Эй, меросхўрликка номзод дўстим! Бировнинг меросига умидвор бўлсанг, у ҳаётлигида васиқа ёздириб, давлат нотариал идораси орқалими, бошқа қонуний асосдами расмийлаштириб ол. Шундай қилсанг, кейинчалик мерос талашиб уруғ-аймоғинг, таниш-билишлар, иш жамоанг, эшитганлар олдида бебурд бўлмайсан, уялмайсан, судма-суд саргайиб юрмайсан.

Ёшини яшаб, ошини ошаб, нариги дунё сафарига отланиб турган қариялардан ҳам илтимосимиз бор. Улар бизни кечирсинлар-у, ўлим ҳақ, ҳеч ким бу дунёга устун бўлмайди. Биров эртароқ, биров кечроқ ҳаёт билан видолашади. Агар сиздан талашишга арзигулик мерос қоладиган бўлса, уни тириклик чоғингизда истаган кишингизга, айтайлик, энг яқин фарзандингизга, агар у йўқ бўлса, энг яқин қариндошингизга васиқа қилиб беришни унутманг. Токи улар сиздан кейин мерос деб қир-пичоқ бўлиб, руҳингизни безовта қилиб юрмасинлар.

Ўзбегим андишали халқ. Унда юз-хотир ўта кучли. Шунинг учун маҳалла комитетларининг раислари, маҳалла оқсоқоллари, қариндош-уруғлар орасидаги ҳурматли зотлар ташаббусни ўз қўлларига олишлари, мерос масалаларини олдинроқ ҳал қилиб қўйишда мерос қолдирадиган кишиларга ҳам, меросхўрликка даъвогарларга ҳам эш бўлишлари зарур.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкент давлат педагогика муаллимлар олий билимгоҳи ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари, ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси умумий тилшунослик кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Р. Расуловга отаси, маориф ва меҳнат фахрийси

Расул НАСРИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль йўллари олий билимгоҳи раҳбарияти автотранспорт куллиёти жамоаси Автосервис ва ресурсларни тежаш кафедрасининг мудири доцент Е. П. Назарқуловга онаси

Махсудахон МИРФАЙЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Хоразм вилояти агросаноат уюшмаси ва вилоят шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи шу хўжалик ходимлари Қ. Сапаев ва М. Сапаевларга акаси ва отаси, Урганч шаҳар умумий овқатланиш трестининг директори

Рўзимат САПАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекрибвод» Ўзбекистон сув ҳавзаларида балиқ захираларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳамда балиқ овлашни тартибга солиш республика бошқармаси жамоаси «Ўзбекрибвод» бошқармаси бошлиғи Т. Ш. Алимовга отаси

Шукур Алимович АЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси шу илмгоҳнинг агрокимё ва ўрмон тупроқшунослиги лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди С. К. Кожаҳметовга онаси

Зейнеб АЙТУВАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.00.
№ 131.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12